

# АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖЛАНИШИННИГ ТАРИХИЙ- ИЖТИМОИЙ МОҲИЯТИ

Юлдашева М.К.

Уибү мақолада Жамиятни ахборотлашириши ва илгор ахборот технологиясини жорий этиши зарурияти, юртимизда ахборот телекоммуникация соҳасида тараққиётган эришишининг босқичма-босқич ривожланиши жарайдилари, ахборотлашириши борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий аҳамияти ва ривожланиши тарихи ҳақида сўз юритилади.

**Калим сўзлар:** ахборотлашириши, замонавий технология, шифрлаш, алгоритмлар, очик оператион тизимлар.

*В данной статье речь идёт об основных моментах развития и перспективы дальнейшего развития информационных технологий в Узбекистане.*

*In this article we are talking about the main points of development and prospects for the further development of information technologies in Uzbekistan.*

Жамиятни ахборотлашириш ва илгор ахборот технологиясини жорий этиши зарурияти Ўзбекистонда дастлаб мустақилликка эришган кунларимиздан бошланди. Глобаллашиб бораётган ҳаёт, замоннинг тезкор ва илдамликни тобора талаб этиб бораётганлиги айнан юртимизда ахборот телекоммуникация соҳасида тараққиётган эришиш заруриятини туғдирди. Бугун инсон ҳаётини ахборот тизимларисиз тасаввур этиш қийин. Кейинги пайтда дунё миқёсида жиддий геосиёсий ўзгаришлар юз бераётir. XXI асрда турли мамлакатлар иқтисодиёти, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғликларнинг кучайиши жараённида, яъни глобаллашиб замонида яшаётганлигимизни назарда тутадиган бўлсак, айнан глобаллашиб туфайли дунё ягона ахборот майдонига айлангани билан боғлиқ реал воқеаликка эътибор каратмаслик мумкин эмас. Ахборотлашириш замонавий дунё тараққиётининг энг муҳим йўналишларидан бири хисобланиб, жаҳон фан техникасининг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт ютуқларини ўзида мужассамлаштиргандир.

Ахборот ҳамиша жамият тараққиётининг кўзгуси, кишиларнинг онги, дунёқараши, сиёсий савиясини шаклланишида асосий восита манбаи бўлиб, хизмат қилиб келган. Бугунги шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётган

глобаллашиб замонида ҳаётимизнинг бирор бир жабхасини-янги замонавий ахборот технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Яъни, мамлакат медиаструктураларини ҳам, фан-техникиканинг юксак тараққиётни бўлмиш комуникация технологияларисиз кўз олдимизга келтира олмаймиз. Бугунги кундаги тез ўзгарувчан шароитларда давлат, жамият ва шахснинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳар қандай давлатнинг устувор вазифаси бўлиб қолмоқда. Ахборот глобаллашуви замонида республикализм ҳалқаро миқёсда, ўз ахборот мавқейини эгаллаши ва уни кучайтириши лозим. Ушбу вазифа эса тегишли конунчиллик асосларининг яратилиши асосида амалга оширилади. Бунинг ижобий томонига бир мисол: -ахборот технологиялари жабхасида янги бурилиш юз берди, оммавий ахборот воситалари изчил ривожланиши баробарида, ахборот-инсониятнинг ниҳоятда муҳим, чексиз, поёни йўқ ресурсига айланди. Янги юз йилликнинг ҳозирги кунда инсоният олдига қўяётган ўта кескин талабларидан келиб чиқкан ҳолда айтиш мумкинки, жаҳон миқёсида ахборотлашириш жараёнлари тобора глобаллашиб, бу борадаги ракобат кучаймоқда. Ачинарли томони шундаки, ахборот наинки товар, балки аксарият ҳолларда айрим сиёсий кучларнинг ғаразли мақсадларига хизмат қиласидан мағкуравий таъсир куроли бўлиб бормоқда. Ахборот комуникацияларининг жадал ривожланиши, кундалик турмушда Интернет тармоғи, замонавий ракамли ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, миллий бирлик ва қадриятларга рахна соловчи турли тенденциялар, таҳдидлар пайдо бўлаётган шароитда ахборот хавфсизлиги масалалари, ахборот мақонида онги ва тафаккури учун кураш долзарб аҳамият касб этаётгани табиий. XXI аср глобал ахборотлашириш ва комп’ютерлашириш асри бўлиши айни ҳақиқат. Чунки тараққий этиб бораётган давлатларнинг барчаси замонавий ахборот технологияларига эга. Замонавий ахборот технологиялари тобора тараққий этиб боргани сари, ахборотни химоя қилиш муаммоси ўта даражада долзарблашиб бормоқда. Бу таабий. Чунки жаҳонда комп’ютерлашириш кўлами кенгаймоқда. Бу жараённинг кучайиб бориши натижасида ахборотларга қилинаётган таҳдид тобора ортиб, рухсат этилмаган ахборотларга кириш, зарур ахборотларни йўқ қилишга интилувчи “компьютер хаккерлари” шунчалик

күпайиб бораверади. Янги асрда жамият олдида турган энг долзарб масалалардан бири-ахборотлаштириш дастурини амалга оширишдан иборатидир. Демократик ва ижтимоий-иктисодий ўзгарышларни амалга ошириш, маънавий тараққиёттега эришиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигини кучайтиришнинг асосий шарти ва гарови-мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлашдир. Бу ўринда эса бугун тобора тараққий этиб бораётган ахборот технологияларисиз кўп нарсага эришиш мумкин эмас!

Бугунги кунда тараққиётнинг барча кўришиларини замонавий ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Компьютер техникаси ва ахборот технологиясининг шиддат или ривожланиб, бориши турли хил ахборотдан фойдаланишга қаратилган ва ахборот жамияти номини олган жамиятнинг ривожланишига олиб келди. Жамиятни ривожлантиришда ҳаракатлантирувчи куч моддий маҳсулот эмас, балки ахборот бўлмоғи жоиз. Бунинг моддий ва технологик негизнини компьютер техникаси ва компьютер тармоклари, ахборот технологиялари, телекомуникация алоқалари асосидаги турли тизимлар ташкил этади.

**Ахборот жамияти – бу кўпчилик ишлов-чиларнинг ахборот, айниқса, унинг олий шакли бўлмиш билимларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, ва амалга ошириш билан банд бўлган жамиятдир.**

Ахборот технологияси-жамиятнинг ахборот ресурсларидан фойдаланиш жараёнининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб хисобланади.

**Ахборот технологияси** – бу объект, жаён, ёки ҳодиса (ахборот маҳсулоти) нинг ҳолати тўғрисида янги сифатдаги ахборот олиш учун маълумотларни тўплаш, уларга ишлов бериш ва узатиш воситалари ҳамда, усулларининг маъмуидан фойдаланувчи жараён бўлиб, инсон томонидан таҳлил қилиш ва унинг асосида қандайдир ҳатти-ҳаракатни бажариш бўйича қарор қабул қилиш учун ахборот ишлаб чиқарди.

Ахборот – атроф муҳит объектлари ва ҳодисалари, уларнинг ўлчамлари, ҳосиятлари ва ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлардир. Кенг маънода ахборот инсонлар ўртасида маълумотлар айирбошлиш, одамлар ва курилмалар ўртасида сигналлар айирбошлишни ифода этадиган умуммиллий тушунчадир. Шунингдек,

- Ахборот-халқ ҳўжалигинг барча тармоклари истеъмол этувчи заҳира бўлиб энергетика ёки фойдали қазилмалар заҳиралари каби аҳамиятга эга. Жамият ривожаниб бороган сари, иктиносидёт, фан, техника, технология, маданият, сънат, тиббиёт каби соҳаларнинг турли масалалари ҳақидаги мавжуд маълумотлар ахборот заҳираларидан фойдаланишини ташкил этишда интеллектуал ва иктиносидий ҳаётга кўпроқ таъсир кўрсатмоқда.
- ахборот-фан техника ривожланиши натижалари ҳақидаги фан-техника маълумот-

лари, билимлар йигиндисидир. Бошқача айтадиган бўлсак, ахборот мазкур талқинга биноан, фан-техника фаолияти ахборот ҳизмати тизимининг маҳсали ва ҳом ашёсидир.

- ахборот-ахборот ҳизмати тизимларида, фан-техника фаолияти ва турли соҳаларда кадрлар тайёрлашни шакллантирувчи маҳсулотлар йигиндисидир, яъни ахборот заҳираларини ишлаб чиқариш ва истеъмол этиш, факат жамиятнинг интелектуал ҳаёти билан чегараланади.

Ахборот барча давларда ҳам жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларидан катта ўрин олган. Бугунги кунда замонавий ахборот технологиялари атамаси жамиятимизда янги ибора сифатида талқин этила бошлади. “Технология” сўзи юонча сънат, маҳорат, ўкув маъноларини англатади. Жараён деганда олдига қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган ҳаракатларнинг муайян йигиндиси, жамланмаси тушунилади. Замонавий ахборот технологиялари-шахсий компьютерлар ва телекомуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда, фойдаланувчи ишининг дўстона интерфейсли ахборот технологиясидир.

Жараён инсон томонидан танланган стратегияга қараб белгиланиши ва турли восита ва услублар жамланмаси ёрдамида амалга оширилиши керак. Демак, ахборот технологияларининг мақсади-инсон таҳлил қилиши учун ахборотни ишлаб чиқариш ва унинг асосида бирор ҳаракатни бажариш бўйича қарор қабул қилишидир.

Ахборот, компьютерлаштириш, хисоблаш техникаси, ахборот технологияси, моделлаш, маълумотлар манбаи, дастурлаштириш, шахсий компьютерлар, дастур билан таъминлаш ва бошқа шу каби илмий тушунчалар жамиятни ахборотлаштиришнинг энг муҳим хусусиятларини ифода этади.

Ахборот-ижтимоий, табиий фанларнинг, тафқур илмининг тараққиёти натижасида юзага келган билим ва маълумотлар, кишиларнинг амалий фаолияти давомида тўплаган тажрибалири маъмуни демакдир. Инсон ахборот оқими ичра яшар экан, турли-туман воқеа, ҳодисалар ва жараёнларнинг бир - бирига алоқадорлигини, ўзаро муносабати моҳиятини таҳлил этиш, мушоҳада ва мулоҳаза қилиб кўриш, табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонунлари қандай амал қилаётгандигини англаш этиш мақсадида кўпдан кўп сўзларга, далил ва рақамларга мурожаат киласи. Ахборот туфайли назариёт амалиёт билан бирлашади.

Ахборот жамиятига ўтишда компьютер ва телекомуникация ахборот технологиялари негизида янги ахборотни қайта ишлаш саноати юзага келади. Ахборот жамияти қўйидагича хусусиятларга эга.

- Ахборот инқирози муаммоси ҳал этилди, яъни ахборот мўл-кўллиги ва ахборот тақчиллиги ўртасидаги зиддият ечилди.

- бошқа захираларга қиёсланғанда, ахборот устиворлиги таъминланди.
- ривожланишнинг асосий шаклини ахборот иқтисодиёти ташкил эта бошлади.
- энг янги ахборот технологиялари ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда билимларни қайта ишлаш, сақлаш, ва фойдаланиш жамияти шаклланди.
- ахборот технологияси-инсон ижтимоий фаолиятининг барча соҳаларини камраб олиб, умумийлик хусусиятини касб этмоқда.
- бутун инсоният цивилизациясининг ахборот бирлиги шаклланмоқда.
- замонавий ахборот воситалари ёрдамида ҳар бир инсоннинг бутун цивилизация ахборот захираларига эркин кириши амалга ошади.

Ижобий томонларидан ташқари салбий оқибатларини ҳам кўришимиз мумкин.

**А)** оммавий ахборот воситаларини жамият ҳаётига тобора кўпроқ таъсир кўрсатиши;

**Б)** ахборот технологиялари ва ташкилотларнинг хусусий ҳаётини бузуб юбориш;

**В)** сифатли ва ишончли ахборотни танлаш муаммоси мавжудлиги;

**Г)** кўпгина одамларнинг ахборот жамиятият мухитига мослаша олиши қийинлиги, ахборот олувчи ва фойдаланувчилар ўртасида муаммолар келиб чиқиши мумкинлиги;

Шуни айтиб ўтиш жоизки, ахборот доимо ўз манбаларига ва ахборотдан фойдаланувчиларга эга бўлади. Хабарларни ахборот манбаларидан, ахборот истеъмолчисига етказиб бериш ўйлари ва жараёнларига эса ахборот телекомуникациялари дейилади. Ахборот технологияси бу усуллар тизими ва ахборотларни йиғиши, сақлаш, излаш, қайта ишлаш, узатиш ўйлидир. У информатиканинг предмети хисобланади ҳамда бошқарув амалиётини ўтказишни, ишлаб чиқаришни бошқаришни, илмий изланишлар ва саноат миқёсида корхоналарнинг ташкил топишини, уларнинг техник ривожланиши натижасида ҳалқ хўжалигининг янги тармоқларини юзага келтиради.

Шунинг учун ҳам ахборот технологияси бошқариш функцияларини ифодаловчи ахборотларни йиғиши, жамлаш, узатиш, сақлаш ва бошқа жараёнларни амалга оширувчи инсон - машина тизими деб юритилади. Бу тизимни яратиш учун бир қатор тамойиллар ишлаб чиқилган.

**Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш масалалари:** Баркамол авлодни тарбиялаш, инсониятнинг энг ёркин орзузи бўлиб келган. Бирок дунё ҳалқларининг барчаси ҳам бу ҳақида ўйлайвермаган. Бундай орзудаги инсонлар азалий маърифатга, маданиятга мансуб бўлган юртларнинг донишмандлари-энг мўтабар, зиёлилари хисобланганлар. Уларнинг орасида Ўзбекистон деб атальмиш муazzзам заминимизда яшаган боболаримизнинг ўз ўрни хурмати бор. Бу жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган ҳақиқатдир. Ўзбекистон Мустақилликдек-миллат орзусига, ривожланиш йўли-

ни ўзи танлаш ҳуқуқига эга бўлганидан сўнг, баржа жабҳада улкан ижобий ўзгаришлар рўй берди. Жумладан: таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди. Чукур билимга эга, замонавий талабларга жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Маданий-маънавий ривожланишнинг муҳим асоси таълим тизими. Зотан замон талабларига жавоб берадиган, илғор фан-техника, технология ютуқларини эгаллаб олган кадрларни етиштирмасдан жамиятни юксалтириб бўлмайди. Мустақиллик йилларида таълим соҳасидаги колокликни бартараф этишга, уни тубдан ислоҳ этишга, ҳалқаро талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлашга киришилди.

Мамлакатимизнинг нуфузли мутахассисларларга бўлган эҳтиёжлари асосида янги соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди. Юртимиз ва хорижий давлатлар ўкув масканларида юзлаб иқтидорли ёшлар ўқишига ва малака оширишига борадиган бўлдишлар. Хорижий таълим муассасалари билан икки томонлама тажриба алмашиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикасида 2003 йил 11 деқабрда “Ахборотлаштириш тўғрисида” ги қонун қабул қилинган. Ушбу қонуннинг 18-моддасида шу соҳада “кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш” вазифаси қўйилган.

Тошкент ахборот технологиялари университети – ахборот технологиялари соҳасида кадрлар етиштириб тайёрловчи асосий ўкув юрти бўлиб хисобланади. Тошкент электротехника алоқа институти 1955 йилда собиқ иттифоқ алоқа вазирлигига қарашли 7 институтнинг бири сифатида ташкил этилиб, тармоқ олий ўкув юрти бўлиб хисобланган. Институт Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон учун электротехника ва радиоалоқа инженерларини тайёрлар эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллика эришиши билан Тошкент электротехника алоқа институти Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирлиги тасарруфидаги тармоқ олий ўкув юртига айлантирилди.

1997 йил Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирлиги Ўзбекистон республикаси почта ва телекомуникациялар агентлигига, 2002 йилдан Ўзбекистон алоқа ахборотлаштириш агентлигига айлантирилди. Хозирда эса Ўзбекистон ахборот ва телекомуникация вазирлигига айлантирилгани ҳам соҳадаги ўсиш битлан фаолият кўламини кенгайтанлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2002 йил 30 майдаги Фармонига асосан, Тошкент электротехника алоқа институтига университет мақоми берилди ва Тошкент ахборот технологиялари университети деб номланди. Университетга ахборот технологиялари бўйича мутахассислар тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Шуны мамнуният билан таъқидлаш жоизки, Университетда “Ўзбекистон илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари ўзаро ахборот алмашиш ягона тармогини яратиш концепсияси” ишлаб чиқилган. Университет хорижий олий ўқув юртлари ва жаҳоннинг иирик ишлаб чиқарувчи компаниялари билан ҳамкорликни йўлга кўйган.

Университет битирувчилари юқори замонавий технологияларини мукаммал равишда ўзлаштирганларни билан ажralиб турадилар. Ўн минглаб битирувчилари телекоммуникация тармоклари ва поча алоқасини ишончли ва тўхтосиз ишлашини таъминлайдилар. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ахборот-коммуникация технологиялари билан шуғулланувчи илмий лабораториялар ва фирмаларида университет мутахассисларини учратиш мумкин. Университетда,

- Телекоммуникация ва технологиялари;
- Ахборот Технологиялари;
- Радиоалока, радио эшиттириш ва телевидене;
- Махсус факултет ва ҳарбий кафедра;
- Иқтисод ва бошқарув факултетлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Қуйидаги йўналишларда эса мутахассислар тайёрланади.

- Касб таълими;
- Иқтисодиёт
- Менежмент;
- Информатика ва ахборот технологиялари
- Радиотехника
- Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш;
- Телекоммуникация
- Электрон тижорат;
- Ахборот хавфсизлиги;
- Почта хизмати;
- Мобиль алоказлар;
- Электрон кутубхона.

Статистик маълумотларни кузатганимизда, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида 1999-2004 йиллар давомида университет 3862 бакалавр, 387 магистр тайёрлади. 2003 йилдан бошлаб, информатика, ахборот технологиялари, поча хизмати, касбий таълим бўйича биринчи маротаба бакалаврлар битириб чиқдилар.

Талабаларни соҳа мутахассисларини малакасини ошириш мақсадида кўплаб марказлар фаолият кўрсатади. Жумладан:

- Марказий Осиё телекоммуникациялар ўқув маркази;
- Жавоҳарлал Неру номидаги Ўзбекистон-Хиндистон маркази;

- Ўзбекистон-Корея интернет технологиялари маркази;
- Аёлларни компьютер саводхонлигини оширишга йўналтирилган марказлар мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида замонавий ахборот технологияларининг турли йўналишлари бўйича тингловчиларга сабоқ берилади.

Шунингдек, бугунги кунда Республика миздаги энг нуфузли Университетлардан бирига айланган Тошкент Ахборот Технологиялари Университети Қоракалпоғистонда, Фарғона, Самарқанд, Карши ва Хоразмда ўз филиалларига эга.

Талабаларнинг илмий изланишларини давом эттириш, иқтидорли талабларни аниқлаш, уларни илмий салоҳиятларини намоён этишга кўмаклашиш Иқтидорли талабалар бўлими томонидан олиб борилади. Шунингдек, ҳар йили рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар йўналиши бўйича ўзларининг ихтирокларини “Юрт келажаги” кўрик-танловида тақдим этиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан университетнинг мамлакатимиз фани ривожи миллий таълим тизими ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, ёшлилар тарбиясидаги катта ҳиссасини эътиборга олиб, 2004 йил 22 декабрда “2005 йилда университет 50 йиллигини нишонлаш тўғрисида” ги 589 сонли қарори қабул қилинди. Ҳозирда эса ўзининг шонли 60 йиллигини нишонлаган ўқув юртида таълим тараққиёти жуда олдинда. Замонавий технологиялар, мультимедиа воситалари, электрон кутубхона, барчаси талабалр учун хизмат қиласи. Одамларни ижтимоий-иктисодий ва маънавий муаммоларни ҳал этишга сафарбар қилмоқ учун тегишли ахборотларни ўз вақтида тўплаб, қайта ишлаб, муайян бир тартибга солиш ва зудлик билан кишиларга етказиш керак бўлади. Бунинг учун жамиятни ахборотлаштириши дастурини амалга ошириш ва илгор ахборот технологиясини жорий этиш зарур.

Шуны фахр ила айтиш лозимки, Президентимизнинг “Ахборот технологиялари” соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомилаштириш тўғрисида” ги 2005 йил 2 июндаги қарорига асосан Тошкент ахборот технологиялари Университети ахборот коммуникация технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича таянч ўқув юрти сифатида белгиланди.

Буларнинг ҳаммаси ахборотлаштиришнинг улкан имкониятларидан энг самарали фойдаланишни, унинг бозор муносабатларига ўтиш давридаги жараёнларига таъсирини кучайтиришнинг энг долзарб вазифасига айлантирмоқда.